



TOSHKENT DAVLAT  
SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

**SHARQ MAMLAKATLARI  
ADABIYOTINI O'QITISHNING  
ZAMONAVIY METOD VA  
TEXNOLOGIYALARI  
(AN'ANAVIY VA MASOFAVIY  
TA'LIM USULLARI)  
O'QUV-USLUBIY MAJMUA**

BOSH ILMIY-METODIK  
MARKAZ

**2022**



TOSHKENT



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ТИЛ, ТАРЖИМА ВА КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

Адабиётшунослик (шарқ тиллари) тингловчилари учун



ТОШКЕНТ – 2022

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:**

У.У. Мухибова (ТошДШУ, профессор)

У.Т. Сайдазимова (ТошДШУ, доцент)

**Тақризчилар:**

Д.З. Мухитдинова (ТошДШУ, доцент)

Г. Халлиева (ЎзДЖТУ, профессор)

Ўқув-услубий мажмуа ТошДШУ Кенгашининг 2020 йил 24-декабрдаги 5-сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия қилинган.

## **МУНДАРИЖА**

- I. ИШЧИ ДАСТУР**
- II. МОДУЛНИ ЎҚИТИЩДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАР**
- III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**
- IV. АМАЛИЙ МАШғУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**
- V. КЕЙСЛАР БАНКИ**
- VI. ГЛОССАРИЙ**
- VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон, 2020 йил 16 апрелдаги «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4680-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

**«Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишнинг замонавий метод ва технологиялари (анъанвий ва масофавий таълим усуллари» модули ўқитилиши жараёнида эгалланадиган билим, малака ва кўникмалар**

ихтисослик фанлар блокига кирадиган фанлар билан интеграллашуви натижасида тингловчиларнинг чет тили коммуникатив компетенцияларини (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий) ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки филологнинг касбий компетенцияси назарий фанлар ва асосий чет тили фани ўқитиш мажмуида шаклланади.

Ушбу дастур мазкур курснинг адабиётшуносликнинг фундаментал йўналишларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Адабиётшуносликнинг замонавий йўналишлари нуқтаи назаридан, адабиёт умумбашарий қадрият, адабий асар ахборот воситаси эмас, балки унда ҳикмат, маърифат, таълимтарбия, маънавий-ахлоқий маданият ва ҳаёт фалсафаси синтезлашган. Бадиий сўз санъати намуналарини ўрганишда ва баҳолашда ижодкорнинг маънавий-ахлоқий маданияти, интеллектуал савияси, ҳаётий тажрибаси, бадиий-эстетик диidi ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ушбу мажмуа янги педагогик техногениялар ва адабиётшуносликнинг замонавий йўналишлари асосида тубдан янгиланишини илгари сурди ҳамдатингловчиларнинг таълим бериш сифатини кўтариш мақсадида дастурда турли эффектив ва замонавий педагогик технологиялар ишлатилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Фанни ўқитишдан мақсад** – тингловчилардашарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишнинг замонавий метод ва технологиялари (анъанавий ва масофавий таълим усуллари) модулининг методологик тамойиллари, асосий тушунча ва тамойиллари бўйича мутахассислик профилига мос билим, кўникума ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш, ҳамда тингловчиларда шарқ адабиёти фанини ўқитишнинг назарий ва коммуникатив ёндашув асосларини билан ишлаш малакаларини шакллантириш ва кўникумларини ривожлантиришdir.

Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишнинг замонавий метод ва технологиялари (анъанавий ва масофавий таълим усуллари) модулининг асосий вазифалари куйидагилар:

- адабиётшуносликнинг умумий қонуниятлари ва стандартлари талаблари бўйича таянч назарий ва амалий билимларни шакллантириш;
- шарқ адабиёти фанини ўқитишнинг назарий ва коммуникатив ёндашув асосларини билиш;
- адабиёт фанини ўқитиш методлари ва тамойиллари билиш бўйича тингловчиларнинг қўнималарини янада такомиллаштириш;
- CEFRва унинг доирасида 4 компетенция: эвристик ўқиш, антология, ретроактив мутолаа ва семиотика;
- Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишнинг замонавий метод ва технологиялари (анъанавий ва масофавий таълим усуллари) умумевропа стандартлари талаблари асосида ўқитишнинг адабиётшунослик аспектлари модули бўйича фойдаланиладиган анъанавий ва замонавий таҳлил методлари асосида ўзаро муносабатини аниқлаш ва таҳлил ўтказиш қўнималарини шакллантириш;
- Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишнинг замонавий метод ва технологиялари (анъанавий ва масофавий таълим усуллари)ни умумевропа стандартлари талаблари асосида ўқитишнинг адабиётшунослик аспектлари бўйича турли билимлар тузилмалари ва ахборотнинг акс эттирилиши йўлларини ўрганишга қаратилган когнитив методларни амалда қўллай олишни ўргатиш;
- Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишнинг замонавий метод ва технологиялари (анъанавий ва масофавий таълим усуллари)ни умумевропа стандартлари талаблари асосида ўқитишнинг адабиётшунослик аспектлари таркибида ётган концептуал аҳамиятга эга ахборотни, муаллиф интенцияларини (мақсад) тадқиқот асосида очиб бериш каби тушунчаларни ёритиши назарда тутади.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенциясига қўйиладиган талаблар**

Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишнинг замонавий метод ва технологиялари (анъанавий ва масофавий таълим усуллари) модули бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- адабиётшуносликнинг умумий қонуниятлари ва стандартлари талабарини;
- шарқ адабиёти фанини ўқитишнинг назарий ва коммуникатив ёндашув асосларини;
- адабиёт фанини ўқитиш методлари ва тамойилларини;
- адабиётшунослик илмини баҳолашваунинг мезон ва меъёрларини;
- адабий жараён, таъсир ва ўзаро таъсир масалаларининг ўрни ва аҳамиятини;
- шарқ адабиётида компаративистика ҳодисаси ва унинг назарий асослари ҳақида
- маълум бир насрый жанрнинг келиб чиқиш ва ривожланиш асослари ва омиллари ҳақида;
- поэтика илмининг илдизари ва унинг ривожланиш босқичлари ҳақида;
- бадиийлик мезонлари ва уларнинг даврлар кесимида ўзгариб бориши ҳақида;
- образ, персонаж ва қаҳрамон тушунчаларини тўғри англаш ва талқин қилиш ва ажрата олиш ҳақидаги **билимларга** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- маълум бир миллат адабий жараёнларини ўрганишда манбалар билан ишлаш;
- адабиёт фанини ўқитиш методикаси бўйича тўпланган маълумотларни амалда қўллай олиш;

- таълим олувчиларнинг билиш қобилиятларини баҳолай олиш;
- ўқув жараёнини режалаштириш, баҳолаш, фидбек механизмларини амалга ошириш;
- талабаларнинг ўз-ўзини баҳолашга қаратилган портфолиосини ишлаб чиқиш амалиётда қўллаш **малакаларини эгаллаши** зарур;

**Тингловчи:**

- меъёрий-хукуқий ҳужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- интерактив мультимедиа воситаларидан фойдаланиш;
- ўзаро дарсларни кузатиш ва фидбек бериш;
- ўрганилаётган мамлакат адабиёти таълимида таълим технологияларни қўллаш;
- илғор ахборот-технологияларида ишлаш;
- видеодарсларни тайёрлаш;
- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характеристини ўзгартира олиш;
- адабиёт фанини ўқитишида масофавий таълим ва платформаларда тингловчиларни баҳолаш;
- хориж адабиётини ўқитишида баҳолашга оид қарорлар қабул қилишамалиётида қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва  
узвийлиги**

Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишининг замонавий метод ва технологиялари (анъанавий ва масофавий таълим усуллари) модули Чет тил ўқитищдаги замонавий методлар, жаҳон адабий жараёнлари, адабиётшунослик ва инновацияни таълимга тадбиқ этишкаби адабиётшунослик йўналишлари билан ўзаро боғлиқ.

Мазкур модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади.

Хусусан, интерфаолметодларнинг қуидагитурларидан кенг фойдаланилади:

- гурухли музокаралар (group discussions);
- жамоа лойиҳалари (project work);
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work);
- якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation);
- давра сухбатлари ўтказиш (round-table discussion);
- инсерт техникаси (Insert technique);
- пинборд техникаси (Pinboard);
- кейс- стади (case-study);
- ақлий ҳужум методи (brainstorming).

Шунингдек, фанни ўқитишида замонавий ахборот технологияларидан ҳам кенг фойдаланилади, жумладан:

- мультимедиа ёрдамида машғулотлар ташкил этиш,
- Power Point дастури ёрдамида презентациялар ташкил қилиш, компьютерда тестлар ўтказиш.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Шарқ мамлақатлари адабиётни ўқитишининг замонавий метод ва технологиялари бўйича адабиётни фанини ўқитишида маосфавий таълим ва платформаларда тингловчиларни баҳолаш, хориж адабиётини ўқитишида баҳолашга оид қарорлар қабул қилиша доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси
---	-----------------	-------------------------

		<b>Жами</b>	<b>жумладан</b>	
			<b>Назарий</b>	<b>Амалий машғулот</b>
1.	Тадқиқ ва таҳлил тамойилларининг муштараклиги	2	2	
2.	Адабиётни ўқитишида тарихийлик тамойили: замон ва тадриж	2		2
3.	Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишининг масофавий усуллари: мусика, кинофильм ва театрлар	2		2
4.	Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишида мустақил фикрлашнинг методик хусусияти	2		2
	<b>Жами:</b>	<b>8</b>	<b>2</b>	<b>6</b>

## **ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Тадқиқ ва таҳлил тамойилларининг муштараклиги**

Тўғри таъриф бериш. Таҳлил қилиш, Таққослаш. Умумлаштириш. Мустақил хулоса чиқариш. Таянч тушунчалар: CEFR, Европа адабиётшунослигига бадиий асар таҳлили, герменевтика, интерпретация, бадиий таҳлилнинг контекстуал ва имманет турлари. Мулоҳаза юритиш. Фикр юритиш. Бадиий асарнинг асл моҳиятини англаш.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндашув, муаммоли таълим, мунозара, ўз-ўзини назорат қилиши.**

### **2-мавзу. Адабиётни ўқитишида тарихийлик тамойили: замон ва тадриж**

Фалсафий масала. Эстетик масала. Тарихий масала. Таянч тушунчалар: асар заминидаги мантиқий маъно, ижтимоий-эстетик юк, бадиий манзари.

Адабиёт дарсларини ташкил қилишнинг психологик-дидактик шартлари. Адабиёт бўйича эгалланган билимларнинг маълум босқичи. Мустақил таълимга ундовчи мотивлар.

Кўлланиладиган таълим технологиялари: *муаммоли таълим, кластер, диаграмма, мунозара, ўз-ўзини назорат*.

### **3-мавзу. Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишнинг масофавий усуллари: мусиқа, кинофильм ва театрлар**

Мутолаа маҳорати тамойиллари. Таянч тушунчалар: CEFR, бадиий асар асосида олинган фильмлар, саҳналаштирилган асарлар, куйга солинган шеърлар. Асарнинг мазмуни ва шакли орасидаги алоқа. Шахс ва жамият орасидаги алоқа.

Кўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, мунозара, ўз-ўзини назорат қилиши*.

### **4-мавзу. Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишда мустақил фикрлашнинг методик хусусияти**

Ҳар хил адабий тимсолларни мустақил таққослаш. Таянч тушунчалар: Эвристик ўқиши. Таянч тушунчалар: излайман, топаман, масалани ечишнинг маҳсус усуллари. Психологик ва кибернетик адабиётда эвристик усулларга масалалар ечишнинг индуктив усуллари сифатида тушунилади. Ретроактив ўқиши. Антология. Семиотика. Имплицит. Назарий фикр қамрови

Адабий тимсолларнинг умумий ва хусусий жиҳтларини ажратиб кўрсатиш. Иккинчи даражали нарсаларни ажрата билиш.

Кўлланиладиган таълим технологиялари *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат қилиши*.

### **Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган саволларга ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар

чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятыни ривожлантириш).

---

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«КЕЙС-СТАДИ» методи. «Кейс-стади» – инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).



## «Кейс методи»ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>* якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>* кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>* ахборотни умумлаштириш;</li> <li>* ахборот таҳлили;</li> <li>* муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>* индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>* муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>* асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>* индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>* муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>* ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>* муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот	<ul style="list-style-type: none"> <li>* якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>* муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>* ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>* якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс.** Талабаларга аудиторияда мустақил иш бажариш топширилди. Талабалар мустақил ишни бажараётганлирида битта талаба бошқа талабаларга халақит бериб, барчанинг диққатини чалғита бошлади.

## **Сизнинг ҳаракатингиз....**

### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар**

- \* кейсдаги муаммоли вазиятни юзага көлтирган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик групта);
- \* мобил иловани ишга тушириш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфт-жуфт бўлиб ишлаш)

### **«ФСМУ» методи.**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникумларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзу юзасидан саволларга жавоб олишди, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.


**Методни амалга ошириш тартиби:** иштирокчиларга мавзуга оид якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади; ҳар бир иштирокчига ФСМУ методи босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади: иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки групий тартибда тақдимот қилинади.

<b>Ф</b>	фикрингизни баён этинг
<b>С</b>	фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг
<b>М</b>	кўрсатган сабабингизни мисоллар орқали далилланг
<b>У</b>	фикрингизни умумлаштиринг

**ФСМУ** таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

## «ВЕНН ДИАГРАММАСИ» методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айдана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.



### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилади ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан групх аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## «БЛИЦ-ЎЙИН» методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материаллар алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига

белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларни уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гурух баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.
3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тутатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва талабалардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.
4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.
5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.
6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.



### «ХУЛОСАЛАШ» (РЕЗЮМЕ, ВЕЕР) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир

хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Жумладан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзалик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. «Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва 15 семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

**Намуна:**

афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу

##### Тадқиқ ва таҳлил тамойилларининг муштараклиги

###### Маъруза режаси:

1. Таҳлил ва талқин тушунчалари: ўхшаш ва фарқли жиҳатлари
2. Таҳлил методлари

**Таянч сўзлар:** таҳлил, талқин, мустақил фикрлаш, тарбия, китоб мутолааси, анализ, интерпретация, қисмларга ажратиш, имманент таҳлил, структурал метод, стилистик метод, семиотик метод.

Адабиётда таҳлил ва талқин тушунчалари кенг қўлланилиб, улар бадиий асарни тушуниш жараёнининг бир-бирига боғлиқ жиҳатларидир. Бадиий асарни тушуниш, унинг мазмун моҳиятини англаш жараёнида таҳлил ва талқин амаллари ҳам ҳозирдир. Таҳлил атамаси одатда «анализ» деб юритиладиган истилоҳнинг синоними сифатида тушунилади. Анализ эса, маълумки, бутунни англаш учун уни қисмларга ажратишни, қисмнинг бутун таркибидаги моҳиятини, унинг бошқа қисмлар билан алоқаси ва бутунликнинг юзага чиқишидаги ўрнини ўрганишни кўзда тутади. Айримлар бадиий асрни тирик организмга қиёс этишади-да, «уни қисмларга ажратиш жонсиз танага айлантиришдан бошқа нарса эмас», деган қарашга таяниб таҳлилга қарши чиқадилар.

Бироқ бу хил қараш асоссиздир. Зеро, адабиётшуносликдаги таҳлил ҳам – ўқиши, фақат бунда бадиий асарни тадқиқотчи сифатида ўқиши тушунилади. Бу хил ўқиши жараёнида тадқиқотчи бадиий асарни исмларга ажратаркан, унинг бадиият ҳодисаси сифатидаги мавжудлигини, ундаги ўқувчи онги ва руҳиятига таъсир қилаётган, унинг у ёки бу тарзда тушунилишига асос бўлаётган омилларни ўрганади.

Талқин атамасини биз «интерпретация» истилоҳининг синоними сифатида тушунамиз. Талқин бадиий асарни шарҳлаш, унинг мазмун-моҳиятини, ундаги бадиий концепцияни идрок этиш демакдир. Кенг маънода “талқин” сўзи ўзга томонидан айтилган гап ёки ёзилган асар (илмий, фалсафий, диний, бадиий ва ҳ.к.) мазмунини англаш, уни маълум яхлитлиқда

тушуниш ва тушунтириш (адабиётшуносликнинг мақсади тушунишнинг ўзигина эмас, тушунтириш ҳамдир) маъноларини англатади.

Шу маънода қаралса, мумтоз адабиётшунослигимизда, умуман, ўтмиш илмида “талқин” сўзининг маъноси қисман «шарх», «тафсир» атамалари билан ҳам берилган. Яна ҳам аниқроқ айтсак, талқин бадиий асардаги «образлар тили»ни «мантиқ тили»га ўгирмоқ, образлар воситасида ифодаланган мазмунни тушуниш ва тушунтирмоқдир.

Юқорида айтдикки, бадиий асарни тушуниш жараёнида таҳлил ва талқин амаллари ҳар вақт ҳозир, улар тушуниш жараёнининг икки қиррасидир. Айтайлик, «ўқувчи бадиий асарни тушунди» дегани, моҳиятан, «ўқувчи асарни ўзича талқин қилди» деганидир. Айни пайтда, унинг асарни тушунишида таҳлил унсурлари ҳам мавжуд, зеро, оддий ўқувчи ҳам тушуниш жараёнида асар қисмларини (масалан, алоҳида эпизодларни, персонажларни, уларнинг турли ҳолатлардаги хатти-харакати, гап-сўзларини ва ҳ.к.), уларнинг ўзаро мазмуний алоқаларини тасаввур қиласи.

Илгари ҳам айтганимиздек, конкрет бадиий асар турли ўқувчилар томонидан турлича тушунилиши мумкин. Бироқ шуниси ҳам аниқки, ўқучилар онгида минглаб талқинларни умумлаштирадиган муштарак нұқталар ҳам мавжуд. Демак, конкрет асар талқинлари нечоғли турфа бўлмасин, уларнинг чегараларини белгилаб берувчи муайян асос, дейлик, ядро (жавҳар) мавжудки, барча талқинлар шу ядро атрофида ҳосил бўлади. Бу ядро эса – бадиий асарнинг ўзи, бадиият ҳодисасини ўзида моддийлаштирган бадиий матнdir.

Аён бўлдики, бадиий асарни тушуниш жараёни объектив ва субъектив ибтидолардан таркиб топар экан: агар бу ўринда талқин қилаётган шахсни субъектив ибтидо деб олсак, бадиий матн объектив ибтидодир. Бундан шундай хulosса келиб чиқадики, агар талқин қилувчи шахс бадиий матнни етарли даражада билмаса, асар қисмларини, уларнинг ўзаро алоқаларини етарли тасаввур қила олмаса, унинг талқини субъективлик касб этади. Бошқа томондан, бадиий адабиётнинг образлар орқали фикрлаши, образнинг эса

ассоциатив тафаккур маҳсули эканлигини эътиборга олсак, талқиннинг субъектсиз мавжуд эмаслиги аён ҳақиқатдир. Чунки ижодкорнинг ассоциатив фикрлаши маҳсули ўлароқ яратилган ва асарда аксини топган образнинг мазмун қирралари фақат субъект онгидагина (яъни, уларнинг ҳам ассоциатив фикрлаши асосида) қайта тикланиши мумкин бўлади. Айтилганлар тушуниш жараёнида таҳлил ва талқиннинг ҳар вақт ҳозирлигининг ёрқин далилидир. Оддий ўқувчидан фарқли равишда, адабиётшунос бадиий асарни талқин қиласр экан, таҳлилга таянади, унинг талқини таҳлил асосида юзага келгани учун илмий саналади. Шу маънода таҳлил бадиий асарни тадқиқотчи сифатида ўқиш ва уқиш демакдир.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, бадиий асар таҳлилиниң мақсади – асарни тушуниш (асарни баҳолаш иккиласми мақсад). Хўш, “асарни тушуниш” деганда нима назарда тутилади? Бу масалада ҳам адабиётшуносликда турличалик мавжуд: айримлар асарга муаллиф томонидан юкланган мазмунни тушунишни назарда тутсалар, бошқалари асарда тасвирланган нарсалардан (объектив ибтиоддан) келиб чиқадиган мазмунни назарда тутадилар. Бу қарашларнинг биринчисига кўра тушуниш жараёнида таҳлил етакчилик қилса, иккинчисида талқиннинг мавқеи устунроқ эканилиги тайин; биринчиси бадиий асарни унинг ички ва ташқи алоқаларини бирликда олиб ўрганишни (контекстул таҳлил) тақоза этса, иккинчиси бадиий асарга алоҳида мавжудлик сифатида қараб, унинг ички алоқаларини ўрганиш (имманент таҳлил) билан чекланади. Бироқ мазкур қарашларнинг иккисини ҳам мутлақлаштириб бўлмайди, бу ўринда “оралиқ” мавқенинг эгаллангани, ҳар икки йўсиндаги таҳлилнинг ҳам мавжудлигини, уларнинг бир-биридан кўзлаган мақсади ва аҳамияти жиҳатидан фарқли эканлигини тан олгани тўғрироқ бўлади.

Тушуниш жараёнининг назарий муаммоларини ўрганувчи соҳа – герменевтиканинг асосий қоидаси шуки: қисмни бутун, бутунни қисм орқали тушуниш даркор. Бу қоида юқоридаги таҳлил йўсинларининг иккисига ҳам бирдек алоқадор. Фақат бу ўринда имманент таҳлили «контекст»

тушунчасини асар доираси билан чеклаб олса, контекстуал таҳлилда «контекст» тушунчасининг кўлами кенгайиб боради (конкрет асар «ёзувчи биографияси», «муаллиф яшаган давр шарт-шароитлари», «муаллифнинг ижодий мероси», «асар яратилган давр адабиёти», «миллий адабий анъаналар» каби контекстлар доирасига киради).

Контекстуал таҳлил асарга муаллиф томонидан юкланган мазмунни тушунишга йўл очса, имманент таҳлил асарда тасвирланган нарсаларга (ва, албатта ундаги муаллиф образига) таянган ҳолда ўқувчига ўз мазмунини шакллантириш имконини беради. Мутахассисдан фарқли ўларок, оддий ўқувчиларнинг асарни тушунишида имманент таҳлил унсурлари етакчилик қиласи (шу боис ҳам ўқувчилар онгода конкрет асарнинг турфа талқинлари мавжуд). Зоро, аксарият ўқувчилар учун конкрет асарнинг қай мақсадда, қандай омиллар таъсирида ёзилгани аҳамиятсиз – улар асарнинг ўзинигина танийдилар, унинг ўзидангина завқ оладилар. Аксинча, адабиётшунос учун буларнинг бари муҳим, чунки асарни тарихийлик тамойилига таяниб, биографик ёхуд социологик методлар (контекстуал таҳлил) асосида текшириб чиқарилган хulosалар адабий-назарий тафаккур ривожида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Улар, табиийки, бадиий адабиёт ривожида ҳамда бадиий дид тарбиясига фақат билвосита таъсир қиласидар, бу хил хulosалар билан бадиий дидга бевосита таъсир қилишга уриниш эса адабиётга фақат зиён келтиради. Демак, бадиий асарни алоҳида бутунлик сифатида ҳам, контекст доирасида ҳам тушуниш (таҳлил ва талқин қилиш) мумкин, – иккисининг ҳам ўз ўрни, вазифаси ва мақсади тайнинлидир. Бадиий асарни контекстуал таҳлил қилишда унга турли жиҳатлардан ёндашиш мумкинки, шу асосда бир қатор таҳлил методлари ҳақида фикр юритш мумкин.

2. Ҳар бир адабиёттанувчи қўлга олган асарнинг бадиийлиги, яъни бетакрорлигини таъминлаган омилларни кўрсатиб бера олиши лозим. Адабиётшунос ва танқидчининг вазифаси айримлар ўйлаганидек, адабий санитарлик қилиб, истеъдодсиз битикчиларни қийратиб, уларни ёзмайдиган

қилиш эмас, балки яхши асарларларнинг фазилатларини кўрсатиб, ўқувчиларни эстетик жозибага эга бўлмаган битиклардан завқланмайдиган, бинобарин, уларни ўқимайдиган ҳолатга ишонтирадиган куч бу дунёда йўқ. Шунинг учун ҳам бадиий матндаги камчиликларни кўрсатишдан кўра, унда мавжуд фазилатларни қидириш, ҳар қандай адабий товарнинг ўз харидори борлигини кўзда тутиб, одамларнинг бадиий дидини юксалтириш мақсад қилиб белгиланиши лозим. Бу жараёнда бадиий таҳлил қилиш, яъни асарнинг диққатга лойик жиҳатларини илғай билиш, унинг ўзига хос қирраларини кўрсата олиш ҳал қилувчи ўрин тутади.

Социологик таҳлил методи тадқиқотчини бадиий асар воқелиги билан реал воқелик муносабатлари, унинг тарихан ҳаққонийлик даражаси, ҳаёт ҳақиқати билан бадиий ҳақиқат муносабати каби масалаларни ўрганишга йўналтиради. Бу хил ёндашув асарнинг ғоявий-мафкуравий томонларини таҳлил қиласкан, қаҳрамонларнинг характер хусусиятлари, асардаги конфликтлар табиати, образлар тизими ва ҳ.к. бадиий унсурларнинг ижтимоий илдизларини очиб беради. Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланиши жараёни, характер ва прототип, тарихий шахс образи ва реал тарихий шахс муносабати каби ижод жараёни билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда ҳам социологик ёндашув асос вазифасини ўтайди. Социологик метод адабиётшуносликда муҳим аҳамиятга моликлиги шубҳасиз, бироқ уни бошқалардан устун қўйишлиқ, унга айрича эътибор беришлиқ адабиёт учун зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинки, бунга ёрқин мисоллар шўро адабиётшунослигидан исталганча топилиши мумкин. Жумладан, шўро адабиётшунослигидаги вулгар социологизм кўринишлари айни шу методнинг мавқеини мутлақлаштиришнинг натижаси эди. Бадиий асар таҳлилида шу методгагина таянган ва шунинг асосидагина баҳолаган танқидий мулоҳазалар кейинчалик уларнинг муаллифларини қатагон қилиш учун дастакка айландигина эмас, ўқувчи оммани ўша ижодкорларни “халқ душмани”, асарларини “зарарли” деб тушунишга тайёрлади.

Тарихий-маданий таҳлил методи бадиий асарни миллий маданий анъаналар, шунингдек, давр адабий-маданий анъаналар заминида дунёга келади, унинг қатор бадиий хусусиятлари шу контекстдагина ёрқин намоён бўлади, англашилади. Масалан, Чўлпоннинг қатор шеърлари борки, уларнинг мазмун-моҳияти мумтоз адабиётимиз, хусусан, тасаввуф шеърияти контекстидагина ўзининг рамзий маънолари очиши, тушунилиши мумкин бўлади. Ёки «Ўтган кунлар»даги бир қатор хусусиятлар (Отабекнинг ошиқлиги саҳналари, сюжет мотивлари, мактаблар ва ҳ.к.) фолклор ва мумтоз достончилик анъаналари заминида етишгани шундок қўзга ташланади. Мазкур ёндашув бадиий асарга умуммиллий маданиятнинг вакили сифатида қараши диққатга моликки, бу хил ёндашув адабий жараёндаги янги ҳодисаларнинг туб омилларини англаш имконини беради.

Қиёсий метод бадиий асарни бошқа асарлар билан қиёсан таҳлил қилишни қўзда тутади. Адабиётшунос конкрет асарни ўтмишда ёки у билан бир пайтда, бошқа миллий адабиётда ёки ўзи мансуб адабиётда яратилган асар билан қиёслаб тадқиқ этиши мумкин. Қиёслаш обьекти тадқиқот обьектидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади. Дейлик, асарни ўтмишда яратилган асар билан қиёслаш ундаги анъана ва янгилик нисбати, айрим бадиий унсурлар генезиси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини яратади; бошқа миллий адабиёт вакили билан қиёслаш асосида эса адабий алоқа ва таъсир, миллий адабиётлар ривожидаги типологик умунийлик каби масалаларни ўрганишга кенг имконият яратилади. Мисол учун Навоий ва Низомий «Хамса»ларини қиёсий таҳлил қилиш ҳар иккала санъаткорнинг ижодий ўзига хослиги, уларнинг дунёқарашидаги ўзига хос жиҳатларни ёрқин тушуниш ва тушунтириш, Навоий дахосини холис баҳолаш имконини яратади.

Биографик метод бадиий асарни муаллифининг ҳаёт йўли контекстида ўрганишни назарда тутади. Бадиий асарда ижодкор шахсияти акслангани боис ундаги қатор ўринлар муаллиф биографияси контекстида ёрқинроқ англашилади. Шунга кўра биографик метод асарга муаллиф томонидан

юклатилган мазмунни англашда етакчи аҳамият касб этади. Масалан, А. Қахҳорнинг «Ўғри» ва «Даҳшат» ҳикоялари ўтмишдан баҳс юритади, бироқ уларни биографик контекстда олинса, адаб ҳар икки ҳикояда ҳам улар яратилган давр муаммоларини бадий идрок этишга, ўша давр ҳақидаги, давр кишилари ҳақидаги фикрларини ифодалашга ҳаракат қилгани англашилади. Биографик методнинг қанчалик самарали бўлиши кўп жиҳатдан тадқиқотчи қўл остидаги биографик материалга боғлиқ бўлиб қолади. Ўзбек адабиётшунослигида биографик методнинг етарли даражада самара билан қўлланилмай келаётгани айни шу нарса – биографик материалнинг етарли эмаслиги билан изохланади.

Ижодий генетик метод биографик методга яқин ва у билан бирликда қўлланиб, бадий асарнинг ижодий тарихини ўрганишни мақсад қиласди. Бу метод адабиётшуносга ҳаёт материалининг бадий образга айланиш жараёни, бадий матннинг сайқалланиш йўлини кузатиш имконини беради. Мазкур метод тадқиқотчининг асар қораламалари, унинг турли нашр вариантлари, тарихий ҳужжатлар ва ҳ.к.ни чукур ўрганишини, конкрет фактлар асосида асарнинг яратилиш тарихи ва омилларини очиб беришини тақозо этади. Адабиётшунослигимизда ижодий генетик ёндашув самара билан қўлланган тадқиқотчилардан бири сифатида Р. Кўчкорнинг А. Қахҳор романларининг ижодий тарихи ҳақидаги илмий ишини кўрсатиш мумкин.

Юқоридаги методларнинг бари асарнинг ташқи алоқаларини ўрганишга қаратилган бўлиб, уларнинг бари тарихийлик тамойилига таянади. Шуни ҳам тъкидлаш жоизки, конкрет бадий асар таҳлилида улар қоришиқ ҳолда қўлланилади, яъни, таҳлилда улардан битта-иккитаси етакчи бўлгани ҳолда, қолганлари уларни тўлдиради. Иккинчи томондан, контекстуал таҳлил жараёнида адабиётшунос имманент таҳлил методларидан ҳам ўрни билан фойдаланадики, бу унинг имкониятларини кенгайтиради.

Имманент таҳлил методлари сифатида, структурал, стилистик ва семиотик методларни кўрсатиш мумкин. Структурал метод бадий асар қисмлари ва уларнинг ўзаро алоқаларини ўрганади. Бу ўринда тадқиқотчи

матнинг ташкилланишини ёки бадий воқеликнинг ташкилланишини диққат марказига қўйиши мумкин бўлади. Стилистик таҳлил матнинг услугбий ўзига хослигини, семиотик таҳлил эса бадий асардаги лисоний белгиларнинг маъно қирраларини ўргатишга қаратилади. Булардан ташқари, бадий асарни, аниқроғи, унинг ижтимоий мавжудлигини ўрганишда конкрет социологик тадқиқот методлари, шунингдек, ўша асар ҳақида яратилган танқидий асарларни ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Бугунги шарқ мамлакатлари адабиётини ўргатишда асар таҳлили ва талқининг қўйиладиган талаблар?
2. Таҳлил ва талқиннинг ўзаро боғлиқ масала эканлигини асарлар ёрдамида исботланг.
3. Бугунги кун шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишда асосий методларни таҳлил қилинг. Фикрингизни мисоллар ёрдамида исботланг.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1- амалий машғулот. Адабиётни ўқитишида тарихийлик тамойили: замон ва тадриж**

Хар бир фан, одатда, фақат ўз қонуниятлари билан яшамайды, бошқа фанларни ҳам эътиборда тутади. Бу билан у ўзидаги имкониятларни янада кенгайтиради. Адабиётни ўқитиши методикаси фани бундан истисно эмас. Унинг кўплаб фанлар билан барқарор алоқалари мавжуд. Табиийки, адабиётшунослик фанисиз уни ўқитиши тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ўтмишда яратилган маданий-адабий мерос дастлаб «Адабиёт тарихи» фанининг баҳосини олади. Ёки ҳозирги замон асарларининг тарихий, адабий ҳамда бадиий эсстетик баҳоси «Адабий танқид» орқали реаллашади.

Сўз санъатининг ўзига хос қонуниятлари, адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий ижод турлари, ижодий жараён ҳақидаги фикрлар эса «Адабиёт назарияси» фани орқали аён бўлади. Буларсиз «Адабиёт ўқитиши методикаси» бир қадам ҳам боса олмайди.

Айрим асарларнинг яратилиши, асар муаллифи, асардаги қаҳрамон ва образлар, унда тасвириланган воқеа-ходисалар моҳиятини чукурроқ англаш учун тарихий шароит ва географик мұхитни билиш зарурияти ҳам пайдо бўлади. Бу ўз-ўзича адабиёт ўқитиши методикаси фанининг тарих ва география фанлари билан доимий алоқада бўлишини тақазо этади. Мусиқа, театр, кино, тасвирий санъат ва бошқа санъат турлари билан алоқадорлик ҳақида гапиришга ҳожат йўқ. Адабиётни ўқитиши методикаси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси фанинг мақсад ва вазифаларини англашда, унинг таркибий қисмларини белгилашда муҳим ўрин тутади. Адабиётни бошқа фанлар билан боғлаб ўрганиш ҳаётий заруриятдир.

Замонавий технологиялар талабаларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган билимлардан ўзлари хулоса чиқаришга ўргатади. Инновацион технологиялар инглизчадан «innovation» янгилик киритиш – педагогик жараён, яъни талаба ва ўқитувчи

фаолияти ўзгариш, янгилик киритиш, ўкув жараёнида интерактив методлардан тўлқин фойдаланишни ўз ичига оладиган воситалар эса талабанинг биргаликда фаолият орқали таълим мазмунига таъсир кўрсатадиган воситаларни ўз ичига олади. Бундан ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари қуидагилардан иборат:

- талабанинг билим олиш иштиёқини мунтазам ошириб бориш;
- талабанинг ҳар қандай муаммога ижодий ёндашувига ўргатиш;
- педагог ва талаба фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;
- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасдан, ижодий фикрлаши ва изланувчан имкон яратиш.

Бу жараёнда кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи билан талабанинг ҳамкорлиги фаолияти, талабанинг ижодий ишлаши, мустақил фикрлаши, изланиши, таҳлил қилиши ва хулосалай олиши, талабанинг ўзига ва грухга, грухнинг талабага баҳо беришига имкон яратилиши билан боғлиқ. Ҳар бир дарсга талabalар қизиқиши мавзу мазмuni ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда ўзига хос технология қўлланилади. Ўкув жараёнида ўқитувчи билан талаба ҳамкорлигини қуидаги схема орқали ифодалаш мумкин.

### **Зинама-зина технологияси**

Мазкур технология талabalарни ўтилган ёки ўтилиш керак бўлган мазу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Талabalар бу технология орқали грухларда ишлашга ўрганадилар, ўтилган мавзуни субъект ўқитиш орқали мустаҳкамлайдилар. Адабиёт дарсларида «зинама-зина» технологиясини «Шарқ ва жаҳон адабиёти» ҳақидаги мавзуни қуидагича ташкил этиш мумкин. Топшириқ тўрт грухга бўлиб ўтказилади.

**1-гурух. «Шарқ мамлакатлари адабиётида оғзаки ижод намуналари»**

**2-гурух. «Шарқ мамлакатлари адабиёти тарихи»**

**3-гурух. «XX аср шарқ мамлакатлари адабиёти»**

**4-гурух.** «Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари» мавзулари бўйича ёзма ёзиш топшириғи берилади. Гурухлар топшириқни бажариб бўлгач, навбат билан ёзган маълумотларни стол устига қўядилар. Ҳар бир гурух сардори бажарган топшириқлари бўйича маълумот бериб, ўз мавзусини ҳимоя қиласди.

**1-топшириқ.** Шарқ мамлакатлари адабиёти (жумладан, араб, форс, корейс, хитой ва х.к.)дан бирор мавзу доирасида зинама-зина технологияси асосида ёзма иш топшириғини бажаринг.

### **2-топшириқ.** Илмий конференция дарслари

Илмий конференция дарслари ўқиш фаолиятини илмий изланиш, маъруза ва баҳс шаклида ташкил этишдан иборат. Бундай дарсларда яхши ўқийдиган ва қизиқувчи талабалар адабиётшунос олимлар вазифасида конференцияда чиқиш учун маъруза ва кўргазмали воситалар тайёрлашади. Қолган талабалар конференция иштирокчилари сифатида ўзларини қизиқтирадиган муаммолар юзасидан саволлар тайёрланади. Илмий конференция дарснинг асосий мақсади талабаларни қўшимча адабиётлар, илмий-оммабоп материаллар билан ишлаш, маъруза тузиш, ўз фикрини баён этиш кўникум ва малакаларини нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантиришдан иборат. Ўқитувчи илмий конференция дарси мавзусини олдиндан белгилаб беради. Уни алоҳида кичик мавзуларга ажратади. Кичик мавзулар учун қўшимча адабиёт танлайди. Конференцияга тайёргарлик бўйича зарур кўрсатмалар беради. Топшириқ: «Шарқ мамлакатлари адабиётида рамзлар» мавзууда илмий конференция дарс режасини тузинг.

1. Ўқитувчининг кириш сўзи
2. Илмий маърузалар
3. Маърузалар муҳокамаси
4. Илмий конференцияни яқунлаш

Дарс режасини кенгайтириб, очиб беринг. Матбуот конференцияси дарслари аудиториядаги барча талабалар иштироқида ўтказилади. Талабаларнинг бир қисми соҳалар бўйича мутахассислар, кўпчилик қисми газета, журнал ва телемуҳбирлар вазифасини бажаради. Конференция

мавзуси ва иштирокчиларнинг вазифаси бир ҳафта олдин маълум қилинади. Ўқитувчи талабалар билан бирга конференцияда олимларга бериладиган саволлар ва уларнинг жавобларини муҳокама қилишга киришади. Саволлар ва унинг жавоби қисқа ва аниқ бўлиши шарт.

**3-топшириқ.** Шарқ мамлакатлари адабиёти бўйича битта асарни танланг ва бу асарни мамлакатнинг этнография, тарих, географияси билан боғлик ҳолда контекстуал тахлил қилинг.

**4-топшириқ.** Шарқ мамлакатлари адабиёти фанини ўқитишида «Афсоналар» мавзусининг ўтилишида мамлакат тарихи, маданиятига оид маълумотларни келтириш лозим. Жумладан, корейс адабиётида «Давлат асосчилари ҳақида афсоналар» бўлимида Тангун, Жумонг каби образларнинг ижтимоий-эстетик аҳамиятини, тарихий қимматини тўлароқ тушунишга ёрдам беради.



## **2- амалий машғулот. Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишнинг масофавий усуллари: мусиқа, кинофильм ва театрлар**

### **Ижодий ўйинлар технологияси**

Радио, телевидение, аудио ва видео материаллар адабиёт ўқитишни бошқа фанлар билан алоқадорликда ташкил этишнинг муҳим воситасидир. Жумладан, тарихий мавзудаги асарлар таҳлили, тарих, экранлаштирилган асарлар таҳлили кино санъати билан боғланмаса, кўзланган натижага эришиб бўлмагани каби, адабий қаҳрамонларнинг феъл-автори, ўзаро зиддиятли муносабатлари ҳақида сўз юритганда этика ва руҳшунослик фанлари эришган ютуқларга таянилмаса, мурод ҳосил бўлмайди. Бизнингча, масалани шундай қўйиш керакки, талабалар назарий билимсиз, бадиий асарни тушуниш, таҳлил қилиш мумкин эмаслигини англаб етсинлар.

Методист олим С.Матжонов тўғри кўрсатганидай: «Дастур ва дарсликларда адабиётнинг тасвирий санъат, тилшунослик, мусиқа эстетика, тарих, руҳшунослик, кино санъати билан боғлиқлиги етарли даражада ўз ифодасини топмаган».

Бадиий адабиёт оламни ўзлаштиришнинг ўзига ҳос воситаси ва манбаидир. Бу жиҳатдан у фан билан яқинлашади. Оламни акс эттиришдаги образлилиги билан ундан ажralиб туради. Бадиий адабиёт оламни ҳар доим кўрсатмаларга бой тарзда кўрсатади. Энг муҳими уларда ўқувчи қалбига таъсир кўрсатадиган эстетик лаззат ва хузур, маънавий сабоқ мавжуд бўлади. Буларнинг барчаси ўқувчининг қалбида юксак маънавий туйғуларнинг шаклланиши ҳамда улардан баҳрамандлик шарофати билан ҳосил бўладиган маънавий қониқишига олиб келади. Адабиёт ўқитишнинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини қисқача тарзда қуидагича акс эттириш мумкин:

### **1-топширик. Ижодий ўйинлар**

Ижодий ўйинлар талабалар ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари ижодий қўллаш, ўқиш жараёнида пайдо бўладиган муаммоли вазиятларни ижодий изланиш орқали ҳал этишдан иборат. Бундай ўйинлар

талабаларнинг мустақил ижодий изланишлар ва мантиқий фикрлашини ривожлантиришга, билимларни янада мустаҳкамлаш ва янги билимлар беришга қаратилган. Ижодий ўйинлардан фан доирасида йирик мавзулар ва боблар бўйича ўрганилган билимларни умумлаштириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бунда аудиториядаги талабалар ўзлаштириш даражаси ва сони бўйича бир хил имкониятга эга бўлган гурухларга ажратилади. Ҳар бир гурух ўқитувчи тавсия этган топшириқларни мустақил ижодий бажаради. Гурухларни шартли равишда бир неча мутахассисларга ажратиш мумкин. Ҳар қайси гурух мутахассислари ўқитувчи тавсия этган топшириқларни мустақил ижодий бажариб, фанда «янгилик» кашф этишади. Ўз жавобларини кўргазмали қуроллар ёрдамида асослаб беришади. Жумладан, «Шарқ мамлакатлари адабиётида тарихий шахслар» мавзуида ижодий ўйин ўтказинг.

#### **2-топшириқ. Саҳналаштирилган ўйинлар**

Муаммоли вазиятнинг бир тури бўлиб, ҳаётий вазиятларни талабалар томонидан саҳналаштиришдан иборат. Уларда дидактик мақсад талабалар олдига вазифа тариқасида қўйилади, талабаларнинг ўкув фаолияти ўйин қоидасига бўйсундирилади. «Шарқ мамлакатлари адабиётида халқ қаҳрамонлари» мавзуида ўйинни саҳналаштиринг.

#### **3-топшириқ. Венн диаграммаси**

Мазкур технология адабиёт дарсларида ўтиладиган мавзу ҳақида ўз фикрига эга бўлиш, матн билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён этиш, дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган метод. Шарқ мамлакатлари адабиётига оид бирор матнни танлаб олинг, матн асосида эссе ёзинг, матн мазмунини сўзлаб беринг, эркин мушоҳада юритинг.

#### **4-топшириқ. Ижодий иш**

Шарқ мамлакатлари шоирларининг шеърларига ёзилган қўшиқни тингланг, қўшиқ матнини ёд олинг. Сўнг қўшиқни талабалар билан биргаликда ижро этинг.

Шарқ мамлакатлари драматурглари пьесаларидан бирини танлаб олинг. Ролларни талабаларга тақсимланг. Талабаларнинг ўзидан режиссёр ва оператор танлаб олинг. Пьесани ўрганилган тилда саҳналаштиринг.

Шарқ мамлакатлари шоирлари (бир даврда яшаган) шеърларини танлаб олинг ва талабаларга шеърларни ифодали ўқиш билан бирга клип олишни топширинг.

Шарқ мамлакатлари адабиётида тарихий асарлар асосида олинган кинофильмни томоша қилинг. Муаллиф-режиссёр-оператор ишига баҳо беринг.

### **3- амалий машғулот. Шарқ мамлакатлари адабиётини ўқитишида мустақил фикрлашнинг методик хусусияти**

Адабий таълим жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил фикрлашга ўргатишининг ўзига хос хусусияти мавжуд. Маълумки, бошқа ўқув фанлари бўйича ўтиладиган дарсларда талабалар турли йўл, усул ва воситалардан фойдаланиб ўзгалар томонидан аввалдан белгилаб қўйилган ягона хulosага келади. Адабий таълимнинг ўзига хослиги, унда ҳар бир талаба ўз олдига қўйилган муаммони тегишли мақсад ва вазифаларни белгилаган ҳолда билими ва ҳаётий тажрибасига таяниб, турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, интеллектуал имконияти даражасида мустақил равища ҳал қиласди. Ўрганилаётган бадиий матн, ундаги қаҳрамонлар, тасвирланган бирор ҳодиса ва вазият борасида ҳар бир талабанинг асар ҳақида муаллифникига ўхшамаган фарқ қилувчи ўз хulosаси бўлади. Адабиёт дарсларида талабаларни мустақил мулоҳаза юритишига ўргатиш шуниси билан алоҳида аҳамият касб этади.

Талабада фикр кишисини тарбиялаш мақсадида ташкил қилинган адабиёт дарсларида ўқитувчи томонидан маълум вақт ичидан бажариш учун топшириқ берилади.

**1-топшириқ.** Бир даврда ижод қилган икки шоир ижодидан шеърлар танлаб олинади. Аввал талаба, ҳар икки шоир ҳаёти ва ижоди билан танишади, шеърлари хос чизгилар, рамзларни кўриб чиқишиади. Кейин ҳар икки шоир шеърлари мавзуси олиб ташланган ҳолда, талаба эътиборига етказилади. Талаба шеърни қайта ўқиши орқали шеърлар кимга тегишли эканлигини унинг мазмуни, услуби ва унга сингдирилган муаллиф шахсиятига асосланиб тапиши лозим.

Корейс адабиётида «Адолат отряди» ҳаракати шоирлари Ли Рюнсок ҳамда Чхве Икхенларнинг шеърларини шу тарзда таҳлил қилиш мумкин. Берилган топшириқни ўз вақтида бажариш талабадан вақтни тўғри тақсимлаш ва амалга ошириладиган ишларни пухта режалаштиришни талаб этади. Мана шунинг ўзи талабани мустақил равища ўйлашга мажбур

қилади. Танлаб олинган ҳар икки шеърни ўқиб, шеърнинг мазмун-моҳиятини англаб, улардан асар қаҳрамони ҳиссиётини туйиб шу асосда муаллифини аниқлаш талабани ақлий зўриқиши орқали ҳақиқатни топишга эришадиган тадқиқотчи ҳолатига солади.

«Адабиётнинг бош қуроли – сўз. Дарҳақиқат, адабий асар ахборот воситасигина эмас. Унда ҳақиқат, маърифат, таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий маданият ва ҳаёт фалсафаси синтезлашган. Тўгри, бадиий асарни якка шахслар яратади. Шу маънода, аксарият эстетик таълимотларда адабиёт – бу субъект имкониятларининг намоён бўлиш майдони, дея тушунтирилади. Бунда сўз санъаткорининг маънавий-ахлоқий маданияти, интеллектуал савияси, ҳаётий тажрибаси, бадиий-эстетик диди, бир сўз билан айтганда, Шахслик даражаси ҳал қилувчи рол ўйнайди»<sup>1</sup>.

Бадиий сўз санъати намуналарига шу нуқтаи назардан қаралади, ўрганилади ва баҳоланади. Шу маънода, сиртдан қараганда у кўнгиллар азмойили, кўнгиллар маърифатининг зоҳир бўлиш шакллариdek туюлади, таассурот қолдиради. Бу, масаланинг бир томони. Иккинчидан, адабиётнинг ҳалқ ҳаётидаги ижтимоий-маърифий, ахлоқий-фалсафий ўрни, аҳамияти нихоятда улуғ. Ҳамма даврларда ҳам унинг бадиий-эстетик қийматини белгилашда бош мезонлардан бири бўлиб келган.

Талабани фикрлаш жараёнида ҳодисанинг ўзаро сабабий боғланишини таъминлайдиган умумий алоқани, асосий моҳиятни топишга ўргатиш мустақил фикрни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар бир инсонга хос бўлган ривожланиш даражаси ҳамиша муҳит билан мутаносиб бўлади. Шунинг учун ҳам адабиёт фани ўқитувчиси талабалар фикрлашининг ташқи муҳит билан алоқасини аниқлаши ва мувофиқлаштириши, унинг йўналишларини бошқара билиш керак.

Жаҳон эстетикасида алоҳида йўналиш касб этган Америка адабиётшунослигида субъективизм кучли. Адабиётнинг ижтимоий роли инкор этилади. Шунинг учун ҳам, бир қатор, жумладан Эптон, Синклер,

<sup>1</sup> Н. Рахимжонов. Истиқлол ва бугунги адабиёт. “О‘қитувчи” НМИУ, 2012. Б.15.

Фолкнер, Эрнест Хемингуэй асарлари назарий адабиётларда кўп таҳлилга тортилмайди. Чунки уларнинг асарлари жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларига жавоб тариқасида ёзилган. Ёзувчининг ижтимоий манфаатларга бўйсуниши айб ҳисобланади.

Атоқли Америка адиби, шоири, олим Роберт Пени Уоррен «Адабиёт аломат сифатида» номли мақоласида сўз санъатига ижтимоий воеликдаги, жамият ҳаётидаги у ёки бу ҳодисаларнинг етакчи аломатларини бадиий умумлаштирувчи, эстетик баҳоловчи маънавий маданият деб қарайди. У жамият, ҳаёт илгари сурган ялан-оч ғояларни эмас, давр муаммоларини бадиий тадқиқ этиш ғоят муҳим вазифа, деб билади. Ана шу масалалар издиҳомида тақдирларнинг намоён бўлиши, инсонийлик ва ғайри инсонийлик, қисматлар ва кечмишлар бадиий асарнинг бош тадқиқот объектидир, деб тушунади. Ва янайм муҳими, инсон тириклиги, инсоний борлик жамият олдига, ўз ҳаётига қандай масалаларни кўндаланг қўяди: тириклиги бадалида қандай муаммоларни бартараф этади; улар ечимини топишда ўз феълини, инсонийлик табиатиниқай тариқа намоён этиш жараёнларининг бадиий акс эттирилиши ғоят муҳим вазифадир, дея тушунтиради.

Кўринадики, жаҳон эстетикасининг етакчи намоёндалари асарларида давр ғоялари, жамият ва миллат ҳаёти кўндаланг қўйган масалалар (ижтимоий-ахлоқий ёки фалсафий, сиёсий) бадиий образлар ва инсоний тақдирлар орқали акс эттирилиши тарафдоридир.

Хозирги бадиий-эстетик тафаккуримиз Шарқона анъаналардан узоқлашиб кетолмайди. Шарқда яратилган қатор асарлар юксак одоб-ахлоқдан дарак беради.

Жамият психологиясини кўрсатиш орқали инсоний тақдирлар кечмишини бадиий тадқиқ этиш ёхуд одамлар қисматини акс эттириш асосида жамиятнинг инсоний ва ғайриинсоний атворини кашф этиш барча замонларда адабиётнинг устувор бурчи-вазифаси бўлган.

Бугунги кунда турфа феъл-атворли одамлар психологияси бадиий-эстетик тафаккур олдига янги-янги вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган туфа қарашлар психологиясини – бирини ўпок, иккинчисини сўпок деб эмас, аксинча, инсоний тақдирлар, феъл-атворлар, дунёқарашлар тажассуми сифатида кашф этишлик адабиётнинг барча замонлардаги бош вазифаси бўлиб келган. Ҳаёт барибир ҳаёт. Зулм биланadolat, яхшилик билан ёмонлик, ёруғлик билан қоронгулик, гўзаллик билан хунуклик ва ҳ.к. боқий кураш шакллари ҳамиша ёнма-ён яшаб келади. Бугунги кунда барчаси тириқ, фақат қоришиқ ҳолатда.

Адабий жараёнда табиат-жамият-инсон ҳаётида кечаётган воқеа-ходисалар, ўзгаришсиз шахс эрки, миллат озодлиги, Ватан истиқоли нуқтаи назаридан ўрганилмоқда, эстетик баҳоланмоқда.

Талабаларда ижодий фаолият ва мустақил фикрни тўғри шакллантиришда тасаввур муҳим ўрин тутади. Шу сабабли юқорида берилган масалаларни талабалар онгida тўғри шакллантириш учун тўғри тасаввур хосил қилиниши керак. Тасаввур орқали инсон ўз фаолияти билан турмуш шароитини ўзгартиришга, уни ўзининг моддий ва руҳий эҳтиёжларига мувофиқлаштиришга уринади.

Инсон таълим олиш жараёнида ҳам худди меҳнат фаолиятидаги сингари жуда камдан кам ҳолатларда фақат хотирасининг қувватига таянади. Ўзига хос янгича шароитларда фаолият кўрсатиш жараёнида кўпинча инсон у ёки бу даражада ижодий ҳаракат қиласи, яъни тасаввурига суюнади.

Фикр юритиш фаолияти мустақиллигини ривожлантиришга тўсиқ бўладиган асосий сабаблар: ўқув топшириқларининг нотўғри қўйилиши, талабаларда мулоҳаза юритишни изчил равишда талаб этмаслик, мустақил фикрлаш қобилияти канчалик ривожланганига эътибор бермаслик. Бундай вазиятда тарбияланган талабалар ўз-ўзидан тайёр мулоҳаза қулига айланиб қоладилар.

Адабиёт дарсларининг талабага маънавий озуқа бера олмайдиган даражада уюштирилиши талабанинг фанга бўлган қизиқишини сусайтиради.

Талаба табиатан тараққий этаётган шахс сифатида маънавий бойлик орттириш йўлларини излайди. Вужудга келган маънавий талабни қондириш мақсадида мустақил билим олишга киришади. Лекин, бу барча талабаларга хос хусусият эмас. Мустақил ишлашга одатланмаган талабалар умуман ўқимасликни афзал кўриб қолишади.

Бир қолипдаги дарслардан қочиш, дарс жараёнида ўнғайсиз ҳолатни юзага келтирмаслик, агарда шундай вазият юзага келганда ундан ҳеч кимга салбий таъсир қилмайдиган даражада йўл тутиб, чиройли чиқиб кетиш, жонли ва ҳамма учун қизиқарли дарс ўтиш, дарсликда баён қилинган фикр ҳамда қарашлардан фойданган ҳолда адабий асарни мустақил тушунишни таъминлашга интилиш лозим.

**2-топшириқ.** XX асрнинг биринчи ярми барча шарқ мамлакатлари учун ўзгаришлар, эврилишлар даври бўлди. Бу даврда адабиёт оламига маърифатпарварлик мафкурасининг заковатини, бадиий тафаккурини реал англаган шоир ва ёзувчилар кириб келди. Мазкур давр шоир ва ёзувчилари ижодида Шахс, Ватан, миллат озодлиги каби ғояларни ўзбек адабиётида жадидчилик ҳаракати билан қиёсий ўрганинг.

**3-топшириқ.** Тасаввур қилинг, сиз 2-курс талабалари билан мумтоз даврда яратилган шеърни (жумладан, хитой ёки корейс тилларида) таҳлил қилмоқчисиз. Талабаларга қандай саволларни берган бўлар эдингиз? Шундай саволлардан 6-10 тасини ёзма равища кўрсатинг.

**4-топшириқ.** Шарқ мамлакатлари адабиётидан саҳналаштирилган бирорта парчани томоша қилинг. Қаҳрамонларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларида қандай оҳанглар устивор? Улар қандай ифодаланган? Бу муносабатларнинг англанишида муаллиф ремаркаларининг ўрнини тушунтириб беринг.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### **1-кейс баёни:**

Бадиий адабиёт ҳаётни ўрганишга хизмат қилади. Мана шу функцияси сабаб сўз санъати даврлар оша ўз қийматини йўқотмай келади. Талаба ҳам бадиий асарни ўқиши жараёнида асарни фақат таҳлил қилиш билан чегараланмайди. Барча халқлар адабиётида кенг тарқалган образ – бу она образи. Шундай экан ҳар бир миллат ҳаётида ички мухитдан келиб чиқкан ҳолда барча оналар образи ижобий ҳисобланадими?

### **Кейс саволлари:**

1. Шарқ халқлари адабиётида оналар образига танқидчилар фикри қандай? (ҳар бир шарқ адабиёти мисолида, жумладан, корейс адабиётида «Онамни ўз паноҳингда аср» романида она образи, «Тоғдан чиндан ҳам ўша ерда бўлганми» романида она образи ва х.к.)
2. Она образини таҳлил қилишда у дунёга келтирган фарзандлар тарбиясининг аҳамиятли жиҳатлари нимада кўзга ташланади?

### **Кейс ечими.**

Фоур Ғуломнинг «Бизнинг оналар» ёки Зухриддин Исомиддиновнинг «Икки аёл» мақолаларини ўқиб чиқинг. Мақолалардаги ҳар бир воқеага тўғри ёндашинг. Замона зайли ёки иқтисодий танглик сабаб худбин аёллар, жумладан, оналарнинг кўпайиб бораётганини тўғри баҳоланг. Бунда ибратли оналар образини ҳам инобатга олинг.

### **Баён этилган вазиятда ўқитувчи**

- 1) изоҳлаш (ўзида муайян гурух ёки алоҳида шахсга йўналтирилганликни ифодаловчи ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули);
- 2) хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методларидан бири бўлган – қўллаб-куватлаш методидан фойдаланади.

### **2-кейс баёни**

Барча халқлар адабиётида зиддиятли масалалар қўйилган жуда ҳам кўп асарлар мавжуд. Жумладан, оиласда икки ўғил ёки икки қиз фарзанд ва уларнинг тақдири ҳақида. (Рус адиби Чеховнинг «Болохонали уй», корейс адибаси Ян Кви Жанинг «Зиддият», И Бом Сонинг «Дайди ўқ» ва х.к.).

Уларнинг тақдири ҳар хил намоён бўлади: кимдир баҳтли, ўйлаган мақсадига эришади, кимдир баҳтсиз, барча нарса муҳайё, аммо оиласиди хотиржамлик мавжуд эмас.

### Саволлар:

1. Бу вазиятда ким айбдор?
2. Ота-она қандай йўл тутиши керак?
3. Ҳар бир фарзанд тақдирига қандай муносабат билдириш керак?

### Баён этилган вазиятда ўқитувчи

- 1) изоҳлаш (ўзида муайян гурӯҳ ёки алоҳида шахсга йўналтирилганликни ифодаловчи ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули);
- 2) хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методларидан бири бўлган – қўллаб-куватлаш методидан фойдаланди.

**Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:** Шарқ халқлари адабиётида танқидий адабиётларни ўқиши.

### Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тамойилларини аниқланг.
3. Аниқланган тамойиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор, энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратинг.
4. Ана шу тамойил (тамойиллар) асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.



## VI. ГЛОССАРИЙ

№	Билиш қобилияти	ўқитувчининг таълим жараёнининг иштирокчилари – ўқувчилар, ота-оналар, ҳамкаслар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон муроқотга киришиш, улар билан муносабатни түғри йўлга қўйишига ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият
1	Дикция (лот. «diction» – «талаффуз килиш»)	сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниши
2	Касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти	педагог томонидан мавжуд педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганлигини англатувчи сифат
3	Касбий зийраклик	– ўқувчилар руҳий ҳолатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган иштиёқларини түғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ёки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гуруҳга таъсир кўрсатишда қулай вазиятини танлай билиш
4	Касбий компетентлик	– мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва

		малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши
5	Касбий-педагогик бурч	– мутахассис сифатида ўқитувчи томонидан касбий фаолиятда адо этилиши мажбурий бўлган вазифа
6	Коммуникатив компетентлик	таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, ўқувчилар билан самимий мулоқотда бўлиш, 68 уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш
7	Маҳорат (араб. «моҳирлик», «усталик», «эпчиллик»)	1) бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик; 2) бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш; 3) муайян иш, хатти-ҳаракат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуюи
8	Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари	ўқитувчиларда намоён бўладиган касбий маҳорат асосини ташкил этувчи элемент (унсур)лар (педагогик одоб, педагогик билимдонлик, педагогик қобилият, педагогик мулоқот

		маданияти, педагогик релаксация, коммуникатив таъсир кўрсатиш қобилияти, педагогик такт (назокат), педагогик техника, нутқ техникаси, педагогик ижодкорлик, педагогик тажриба, педагогик маданият)
<b>9</b>	Педагогик мулоқот маданияти	педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар, раҳбарият билан педагогик одоб ва мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштириладиган сұхбати
<b>10</b>	Педагогик мулоқот услублари	ўқитувчилар томонидан педагогик жараёнда таълим иштирокчилари билан мулоқотни ташкил этишда қўлланиладиган усуллар мажмуюи (авторитар услуг, демократик услуг, либерал услуг)
<b>11</b>	Педагогик тафаккур	педагогик жараён, вазият ва ҳодисалар моҳиятининг, шунингдек, улар ўртасидаги муҳим боғланиш ва алоқаларнинг педагог онгига тўлақонли акс этиши, янги ғояларни илгари суриш, янгиликлар яратиш, шунингдек, педагогик жараён, вазият ва ҳодисаларнинг натижаларини башоратлаш; педагог ақлий фаолиятининг

		юксак шакли
12	Ташкилотчилик қобилияти	– педагог томонидан таълимий ва тарбиявий жараёнларни илмий-назарий, методик ва ҳиссий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини англатувчи сифат
13	Фикрлаш маданияти	педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, келиб чиқсан ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиётга самарали татбиқ эта олишини ифодаловчи сифат
14	Шахсий компетентлик	– изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш
15	Ўз-ўзини ривожлантириш	шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши
16	Ўз устида ишлаш	шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли

		ҳаракатларнинг ташкил этиши
17	Қобилият	шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият
18	Ҳис этиш маданияти	педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этишини билдиради

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом еттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган енг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳукуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини

ошириш тизимини жорий этиш түғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-4680-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги 797-сонли қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.—Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
2. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
3. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
4. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
5. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
6. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
7. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н.Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.  
[http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)

8. Современные образовательные технологии: педагогика и психо-логия: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
9. Олий таълим тизимины рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастуринингкўмагида. <https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3. UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf>
10. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
11. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
12. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
13. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
14. H.Q. Mitchell, MarilenaMalkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
15. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
16. Захирiddин Муҳаммад Бобур. Энциклопедия. – Т.: Шарқ, 2015.
17. Комилов Н. Тасаввуф. –Т., 2009.
18. Маннанов А. Рошанийская литература. –Т., 2006.
19. Очерки истории литератур Индии (Х – ХХвв). – Спб. 2014.
20. Афғонистон дарийзабон адабиёти. Тошкент. 2016.
21. Араб адабиёти. Тошкент, 2016.
22. Корейс адабиёти, Тошкент 2019.
24. Эрон адабиёти. Тошкент, 2016.
25. Турк адабиёти. Тошкент, 2016.
26. Ҳиндистон адабиёти. Тошкент, 2016.
27. Хитой адабиёти. Тошкент. 2016.

#### **IV. Интернет сайлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
3. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)

4. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
5. <http://www.duplaisiralire.com/>–Тил ўрганиш веб сайти
6. <http://www.polarfle.com> – Тил ўрганиш веб сайтitsuos.uz – Тошкент давлат шарқшунослик университети веб сайти.